# ҲОСИЛ УЧУН КУРАШДА ДОЛЗАРБ КУНЛАР КЕЛДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 108 (2656). | Чоршанба, 3 июнь 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ СОВҒАЛАР

### ҚОРАКЎЛ ТАЙЁРЛАШ ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

*КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларидан илҳомланган ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекисточ Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборган республика қоракўлчилари йиллик қоракўл тери тайёрлаш ва уни давлатга топшириш планини муддатидан илгари — 30 майда 100,1 процент бажардилар. 1963 йилнинг шу давридагига нисбатан 26 минг дона кўп қоракўл тери тайёрландн.*

*Етти йиллик план топшириғи муддатидан илгари бажарилди.*

*Қоракўл тери тайёрлаш давом эттирилмоқда.*

*Йиллик планнни 111 процент бажарган Қашқадарё область қоракўлчилари шида энг яхши кўрсаткичларга эришдилар. Сирдарё қоракўлчилари йиллик планни 107 процент, Хоразм область қоракўлчилари 104 процент, Сурхондарё область қоракўлчилари 103 процент ва Қорақалпоғистон АССР қоракўлчилари 107 процент бажардилар.*

*Фориш ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма парткомининг секретари ўртоқ Есимов, бошқарма бошлиғи ўртоқ Султонов), Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармаси (Хоққулов ва Дўстқораев ўртоқлар). Чироқчи ишлаб чиқариш бошқармаси (Қурбонов ва Миланов ўртоқлар), Пастдаргом ишлаб чиқариш бошқармаси (Шарофжонов ва Ҳамроқулов ўртоқлар), шунингдек, «Коммунизм» қоракўлчилик совхозининг (директори ўртоқ Ўримбетов), «Томди» (директори ўртоқ Нормуротов), Гагарин номли (директори ўртоқ Эргашев), Охунбобоев номли (директори ўртоқ Маҳмадўстов), «Улус» (директори ўртоқ Бузиқ), «Нурота» (директори ўртоқ Навоев), «Чимқўрғон» (директори ўртоқ Месяцев) совхозлари қоракўл тайёрлашда энг яхши кўрсаткичларга эришдилар ва қоракўл тери тайёрлаш ҳамда уни давлатга топшириш планларини анча ошириб бажардилар.*

*Бу муваффақиятлар КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий кўрсатиб қилаётган ғамхўрлари ва республика колхоз, совхоз қоракўлчилари, чўпонлари ва мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритилди.*

## КАЛИНИН БОШҚАРМАСИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари ишлаб чиқаришда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Бошқарма хўжаликларида республикамизнинг 40 йиллик тўйини муносиб совғалар билан нишонлаш учун бошланган мусобақа борган сари кенг қулоч ёймоқда. Бошқарма пиллачилари мусобақани кучайтира бориб айниқса катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб кеча 2 июнда давлатга пилла сотиш планини муваффақиятли бажаришди. Пиллачилар давлатга 2913 центнер юқори сортли пилла сотдилар.

Мўл пилла ҳосили етиштиришда ва давлатга топширишда жуда кўп хўжаликларнинг коллективлари самарали меҳнат қилишди. Свердлов номли, Собир Раҳимов номли, «Коммунизм» колхозларининг азамат пиллачилари давлатга пилла сотиш планини 128—135 процентдан адо этдилар. «Дамачи» богдорчилик-виночилик, «Партия XXII съезди» совхозлари «Партия XX съезди», Калинин номли колхозларининг азамат пиллачилари бу йил ўтган йилга нисбатан анча кўп пилла етиштиришиб, планларини ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Бошқарма пиллачилари бутун имкониятларини ҳисобга олиб чиқиб пландан ташқари яна давлатга 250 центнер пилла сотиш мажбуриятини олдилар. Бошқарма хўжаликларида пилла етиштириш ва давлатга сотиш қизғин суръатлар билан давом этмоқда.

## МЕВА СОТИШ ПЛАНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари яна бир меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга 2500 ўрнига 2690 центнер мева сотиб бу соҳадаги планини 107,6 процент қилиб адо этдилар: ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 20 процент кўп мева сотилди. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Свердлов номли колхозлар, 1—«Қибрай» совхози ва бошқа хўжаликлар давлатга мева сотиш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятларини муддатидан анча ошириб бажардилар.

## СОВЕТ ВАТАНПАРВАРЛИГИ

Ғайрат ва шижоатли, ижодкор халқимиз ўзининг синалган мураббийси —жонажон партиямиз раҳнамолигида коммунизм қуришнинг кенг фронтида кун сайин янгидан-янги зафарларни қўлга киритаётир. Халқимизнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ғоят юксакликларга кўтарилаётган, омманинг ижодий кучлари бутун мамлакатда тинимсиз қайнар булоқдек мавж ураётган ҳозирги даврда совет ватанпарварлигининг ҳаётбахш кучи, жозибаси янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи қудратли кучлардан бири— СОВЕТ ВАТАНПАРВАРЛИГИ халқимизнинг ўз Ватанига, коммунизм қуриш улуғ ишига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига муҳаббати ва садоқатининг тимсолидир. Совет ватанпарварлиги — бу янги ҳаётнинг тўғриғ фарзанди бўлмиш социалистик Ватанимиз билан, инсоният тарихида биринчи бўлиб социализм барпо этган ва ҳозирда коммунизмнинг нурафшон биносини қураётган халқимиз билан фахрланиш ҳиссининг мевасидир.

Совет ватанпарварлиги — бу умумхалқ ватанпарварлиги бўлиб, мамлакатларимиздаги ҳамма социал группалар ва миллатларни қудратли совет жамиятига бирлаштиради. Ҳаёт манфаатлари ва социалистик Ватан, совет давлатига бўлган муҳаббат-садоқатлари муштарак бўлган ишчилар, деҳқонлар ҳамда зиёлилардан иборат ягона иноқ онламиз, жамиятимизнинг монолит маънавий-сиёсий бирлиги ватанпарварлигимизнинг сўнмас намунаси.

Бизнинг ватанпарварлигимиз ўз моҳияти билан интернационал бўлиб, қандай шаклда намоён бўлишидан қатъий назар, миллий чекланиш тенденцияларни билан сира муроса қила олмайди. Ленинча пролетар интернационализми билан суғорилган халқимизнинг ўз кўп миллатли Ватанига бўлган муҳаббати бошқа социалистик мамлакатларнинг халқларига, бутун дунё меҳнаткашларига ҳурмат ва қардошларча дўстлик туйғуси билан узвий равишда қўшилиб кетган.

Совет ватанпарварлиги —бу амалий натижа берадиган идеологиядир, севикли Ватанимизни гуллаб-яшнаши учун бутун кучғайратни бахш этишнинг, коммунизм қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилишнинг рамзидир. У ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар орасида, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида оммавий қаҳрамонликлар туғдиради. Чирчиқ химиклари ва Оҳангарон кончилари, Бекобод, Олмалиқ металлургларн ва Янгийўл енгил саноатчиларининг коммунизм моддий-техника базасини яратишга қўшаётган салмоқли ҳиссалари, областимиз пахтакорлари, чорвадорлари, сабзавотчилари ва пиллачиларининг меҳнат зафарлари шундан далолат беради. Ҳозир областимиз меҳнаткашлари республикамизнинг 40 йиллик тўйини —халқлар дўстлиги ва ленинча интернационализмнинг, партия ва совет давлатнга вафодорликнинг, янгича ҳаёт ва маданиятнинг намойишини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга отланганлар. Бу тарихий тўй шарафига саноатчилар, бинокорлар ва транспортчилар, колхозчилар, совхоз ишчилари ва маданий фронт хизматчилари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб, ватанпарварликнинг ажойиб намунасини кўрсатмоқдалар.

Областимиз ўз ватанпарварлари — саноат машъаллари ва миллий ифтихоримиз пахта жонкуярлари билан ҳақли равишда фахрланади. «Оқ олтин» усталари Ҳакимполвон Қодиров, етмиш ёшли олий ҳиммат кексамиз Мадали Маниёзов, Анвар Эгамназаров, Ҳавохон Дибердиева; саноатимиз лочинлари Санд Нуриддинов, Марҳамат Иўлдошева, Мустақим Юсупов, Виктор Зайцев, Омон Илёсов, Ҳабиба Умарова ўртоқларнинг номи меҳнат шон-шарафи билан бурканган. Гагановачилик ҳаракатининг издошлари Турсуной Охунова, Валентин Тюнко ва Тўйдимурод Дўсановларнинг ҳиммати ҳам ватанпарварлик даъватидир. Улар Ватанимиз бойлиги кўпайсин, қудрати ошсин, ҳамма жойда ҳам баракали ҳосил етиштирилсин деб моддий жиҳатдан зарар кўришларига қарамай, ўз илғор бригадаларидан қолоқ участкаларга ўтдилар. Баракали меҳнат фронтининг булар каби минглаб баҳодирлари партия Программасини, Марказий Комитет Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Улар совет ватанпарварлигининг энг яхши хислатларини ўзларида мужассамлантирганлар.

Тараққиётимиз тақозоси билан вужудга келган ва бутун мамлакатга кенг ёйилаётган коммунистчасига ишлаш ва яшаш ҳаракати ҳам совет ватанпарварлигининг ажойиб тимсолидир. Бу ҳаракат қатнашчилари — замонамиз машъалларидир. Улар новаторлик, илғорлик, маънавий поклик намуналари билан жамиятимиз тараққиётининг олдинги сафларида бормоқдалар, минг-минглаб кишиларни тарбиялаб, камолат чўққиларига бошламоқдалар. Областимизда шу кунларда 190 мингдан ортиқ киши коммунистик меҳнат зарбдори, 326 корхона коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Ҳозирнинг ўзида 32 корхона, 189 цех ва 2597 бригада ана шу юксак номни олишга муяссар бўлди.

Орамизда совет ватанпарварлигининг ҳаётбахш кучидан, маънавий лаззатидан маҳрум бўлган кишилар ҳали ҳам учраб туради. Улар жамиятга ҳеч нарса бермай, лекин унинг ҳисобидан яшашга ҳаракат қиладилар. Халқнинг тўкин дастурхонидан тап тортмай бахраманд бўлаётгани ҳолда жамиятга сира нафи тегмайдиган обивателлар, дангасалар, юлғичлар, текинхўрлар совет кишиларида қонуний нафрат қўзғатади. Совет граждани нинг қадр-қимматини йўқотиб қўяётган, халқнинг улкан ишларини пайқамаётган, меҳнаткашларнинг пешона тери билан қўлга киритилган ва шон-шуҳратимиз ҳисобланган азиз нарсаларнинг ҳамласини қоралашга тайёр одамлар бизга бегонадир. Бундай шахсларга совет ватанпарварлиги ҳиссини сингдириш, уларни ҳалол меҳнат қучоғига тортиш ва ғоявий тарбиялаш партия ташкилотларининг ҳамда бутун жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.

КПСС Марказий Комитети июнь (1963 йил) Пленуми қарорида таъкидланганидек, кишиларни совет ватанпарварлиги, социалистик Ватанимизга, Совет Иттифоқи улуғ Коммунистик партиясига муҳаббат руҳида тарбиялаш — идеология ишининг энг муҳим, биринчи галдаги вазифасидир. Бунда партия ташкилотлари ва бутун жамоатчилик ўз фаолиятларига совет кишиларини, айниқса ёшларни КПСС, ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг шонли революцион традицияларн асосида, совет халқининг буюк зафарлари билан, совет граждани нинг шарафи ва қадр-қиммати билан фахрланиш, социалистик Ватан ҳимоясига доимо шай бўлиб туриш руҳида тарбиялашни асос қилиб олишлари зарур.

Ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ўзининг бутун ҳулқ-атвори билан коммунистик муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашда юксак ўрнак кўрсатадиган, коммунистик ахлоқ принципи ва нормаларига амал қиладиган ватанпарварларни тарбиялайлик!



Суратда ўртоқ Ҳ. ДИБЕРДИЕВА.

# ҲОСИЛ ТУПИДАН ОЛИНАДИ

— Ўзингиз ҳам жуда ҳасис бўлибсиз-да, катта ариқ ичига ҳам чигит экишингизга сағал қолибди,— деди ҳазил аралаш ёнида турган ҳамроҳи Ҳаво опага қараб.

— Ҳосил тупидан олинади. Уват деган гап ўтнинг уруғини кўпайтиради, ҳосилнинг баракасини учиради. Гектаринг тўлиқ бўлса, ҳосилинг мўл бўлади, —Ҳаво опа шундай деди-ю барқ уриб ўсаётган яшил квадратларга ишора қилди.

Кафтдек текис майдон. Бегона ўтни ёқи биронта кесакни тополмайсиз. Ўсалар ипга терилган садафдек тизилишиб турибди. Бу уста рассомнинг мўқирлик билан чизган полотносини эслатса, Паркент тоғлари эса бу манзарага сайқал бериб турибди. Гўё табиат бутун гўзалликни Ҳаво опанинг бригадаси даласига бахш этгандек туйилади кишига. Бу ўз-ўзидан бунёдга келган эмас, албатта. Буни ишнинг кўзини биладиган, сидқидилдан меҳнат қиладиган оташ қалб эгалари, моҳир қўллар барпо қилган.

Ҳаво опа оқ сариқдан келган, мовий кўз, ўрта бўй аёл. У ўн йилдирки, бригадага бошчилик қилади. Шу ўтган давр ичида бирон марта планнни бажараолмай ер чизиб қолганини эслолмайди. Ўтган йили Ҳаво Дибердиева бригадаси колхозда биринчи бўлиб планни 7 ноябрда бажарди. Қўшимча мажбурият олиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» дурдонасини давлат хирмонига тўкиб, планни 150 процент қилиб адо этди. Лекин собиқ III-«Интернационал» колхози бўйича гектаридан 23 центнердан пахта етиштирилиб, давлат плани бажарилмай қолди.

Хўкизнинг шохига урсанг туёғи зирқирайди деганлар. Бу Ҳаво опанинг ҳам кўнглини чўктирди. Чунки таъна гапларнинг бир учи келиб машъал бригада аъзоларига ҳам тегади-да. Ахир кемага тушганнинг жони бирку, нега қўшнингга қиё боқмадинг, дейишса нима дейди. Меҳнат якуни, унинг тантанаси, ҳосил байрами барчага баравар бўлмади, Ола-қора бўлиб қолди. Нима учун қўшни бригадаларга ўз тажрибамни ўргатмадим, нима учун машъал хўжалик «Политотдел» колхозин тузукроқ ёрдам бермади, деган ҳаёл Ҳаво опани изтиробга солиб қўйди. Орадан бир неча кун ўтгач, Ҳаво опани III-«Интернационал» колхозининг «Политотдел»га қўшилиши ҳақидаги ҳушхабар хурсанд қилиб юборди. Энди у хижолатдан қутилди, кўнгли таскин топди, режаси рўёбга чиқадиган бўлди.

III-«Интернационал» колхозининг «Политотдел»га қўшилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Энди биринчи йилни кўрди. Ишнинг кўзини биладиган, барчага баробар қарайдиган тажрибали кишилар билан ишлаш кишига ҳузур бағишлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ III-«Интернационал» участкасида ўзгариш катта. Кишиларнинг манфаатлари йўлида жиддий қайғуришяпти. Ишловчиларга қулай шарт-шароитлар яратиляпти. Янги-янги дала шийпонлари қурилди. Маданий-маиший ишлар яхши йўлга қўйилди. Бундан руҳланган колхозчиларнинг бир ғайратларига ўн ғайрат қўшилиб бир жон-бир тан бўлиб республикамизнинг ва Ўзкомпартиянинг шонли 40 йиллик тўйи шарафига социалистик мусобақани авж олдириб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни етти центнерга оширишга, гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга астойдил бел боғладилар.

— Ер тўйса—эл тўяди деб бечиз айтилмаган. Ер ва жининг тилини билиб муомала қилсанг, вақтида озиғини берсанг у ҳам бағрини кенг очиб бутун бойлигини сенга ҳадя қилади. Сени доғда қўймайди. Қўл тегди қабилида иш тутилса-чи? Бориданҳам маҳрум бўлинади. Хирмон кўтарилган вақтда бармоқ тишлаб қолинади,—деди-да, пайкал узра жавлон уриб юрган механизатор йигитга ишора қилди.— Ана бизнинг дала хўжайинларимиз! Абдурашид Зиявевни кўрсатди Ҳаво опа.

III-«Интернационал» участкасининг ерлари ҳам бу йил механизаторлар қўлига топширилди. Бу ерда ҳам звено системаси жорий этилиб асосий жавобгарлик шулар елкасига юкланди. Ерни шудгор қилишдан тортиб то ҳосилни хирмонга топширгунга қадар ана шу шовозлар жавоб беришади. Бу эса меҳнат масъулиятини ошириб юборди. Ишга унум ва ривож берди.

Бу йил Ҳаво Дибердиева бригадаси аъзолари 120 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Миришкорлар ваъдаларининг устидан чиқиш учун далаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ чимлар дала четларига келтирилиб қўйилган. Ўсалар яганадан, майдонлар биринчи ишловдан чиқарилган.


— Бу йил, — дейди Ҳаво опа,—гектарларда 95-100 минг туп кўчат сақлаган ҳолда барча майдоннинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан «оқ олтин» етиштириб, пахтанинг таннархини анча арзонлаштирамиз. Бир центнер пахтанинг нархи 7—8 сўмга тушади. Бунинг учун бизда барча зарур имкониятлар бор.

Фақат Ҳаво Дибердиева бригадаси эмас, балки 1300 гектар ери бўлган III-«Интернационал» участкаси коллективи ҳар гектардан камида 30 центнердан «оқ олтин» хирмони қўтариб Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиянинг 40 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ғайрат қилмоқдалар.

Қўли гул, дили пок бу азаматларнинг ўз сўзларининг устидан чиқишларига, катта тўйга муносиб тўёна тайёрлашларига ишончимиз комил.

З. ОРИПОВ,
Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ,
Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси.

## АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР




«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Газетанинг 3-бети икки хил нусҳада босилди.

**Саноат ходимларига мўлжалланган саҳифада:** «Фан ютуқлари —ишлаб чиқаришга» умумий сарлавҳаси остида берилган материалларда ЎзТАГ мухбири А. Ершовнинг минерал ўғитларга бағишланган Бутуниттифоқ конференциясидан ёзган «Истиқболга саёҳат» номли репортажи. Тошкент ремонт экскаватор заводи партия ташкилотининг секретари А. Губачевнинг «Мададкормиз», «Валида» тикувчилик фирмасининг старший инженер методисти А. Каменскаянинг «Мастерлар ўқимоқда» сарлавҳали мақолалари ва бошқа материаллар берилган.

**Қишлоқ хўжалиги ходимларига бағишланган саҳифада:** «Машина теримига хозирдан шайланинг» умумий сарлавҳа остида берилган материалларда Бўкадаги «Партия XIX съезди» колхозининг раиси Ғ. Хайдаровнинг «Механизатор —деҳқон қаноти», қишлоқ хўжалик фанлари кандидати И. Мадраимовнинг «Эрта озиқлантирсанг, эрта ҳосил оласан», «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири Б. Халиловнинг «Янгилик ишқибозлари» сарлавҳали мақолалари ва қишлоқ хўжалигига оид бошқа материаллар берилган.

## СССР билан АҚШ ўртасида консуллик шартномаси имзоланди

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Америка Қўшма Штатларининг СССРдаги элчиси Фой Д. Колер ўз ҳукуматларининг топширувига кўра 1 июнда Москвада СССР билан АҚШ ўртасидаги консуллик шартномасини имзоладилар.


Шартнома совет-америка консуллик муносабатларини тартибга солиб туради. У консуллик муассасалари очиш ва консуллик ходимларини тайинлаш тартибини, консулларнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларини белгилайди.

Шартномани имзолаш вақтида совет ва чет эл матбуотининг жуда кўп вакиллари иштирок этдилар (ТАСС).



Тянь-Шань тоғлари этагида улнан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бульдозерлар, экскаваторлар ва самосвеллар кеча-кундуз тиним билмай ҳаракатда. Катта сув омборлари, траншеялар ва тошлар ўйилиб туннеллар қазилаяпти. Бу ерда навбатдаги нур булоғи —Чорвоқ гидроузелн қад кўтармоқда. ГЭС фойдаланишга топширилгач, мамлакатимиз учун ҳар соатда яна минглаб киловатт энергия етказиб берилади. Яна минглаб хонадонлар чарогон бўлади, ўнлаб саноат корхоналари ҳаракатга келади. Ҳозирги кунда гидроэлектростанцияда туннеллар қазиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозиргача проходчачилар шимолий қисмда 100 метрга яқин узунликдаги туннелни қазиб қуйишди. Григорий Петухов бошлиқ проходчачилар смена нормаларини ортиги билан адо этишда бошқаларга намуна бўлишяпти. Ф. Алпаров, А. Анфиногенов, С. Стефаненко каби нур ошиглари ҳар куни зиммадагидан 4—6 метр кўп тунель қазимоқдалар. Ҳозирги кунда 2-штольня қурилиши ҳам жадал бормоқда. Станция бунёдкорлари бу штольняни республикамиз юбилейигача тугаллаш учун ғайрат қилмоқдалар. Суратларда: (чапда) навбатдаги туннель учун йўл очилмоқда, ўнгда эса станция поселкаси қурилишида.

Г. Ястребов фотолари.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон компартиясининг 40 йиллиги олдидан

# КИТОБЛАР САРОЙИДА

Кутубхона... Бу жуда қадимий сўз. Уни тилга олганимизда даставвал инсоният ақл-заковатининг неча-неча асрлик тараққиёти ва камолатини ўзида мужассамлантирган, ҳаёт дарслиги ва билим манбаи китоблар кўз олдимизга келади. Лекин зўравонлик замонининг ҳукмдорлари ана шу битмас-туганмас хазинани халқдан яшириб келганлар. Фақат совет давридагина илгари тор доирадаги кишилар манфаати учун хизмат қилиб келган кутубхоналарнинг эшиклари меҳнаткаш халқ оммаси ва унинг фарзандлари учун кенг очиб қўйилди. Энди-ликда Иттифоқимизда 130 мингдан ортиқ халқ кутубхоналари бўлиб, уларда неча ўн минглаб совет кишилари ўз билимларини оширмоқдалар. Кутубхоналар социалистик маданиятнинг йирик ўчоғига айланди.

Ана шундай кутубхоналардан бири — Алишер Навоий номли Давлат халқ кутубхонасидир. Бу йил ўзининг қирқ йиллик тўйини нишонлайдиган республикамиз маданиятини, унинг қиёфаси ва ривожланишини бу кутубхонасиз тасаввур этиш қийин. Совет ҳокимияти йилларида у чинакам халқ кутубхонасига айланди, республикамиз фахри бўлиб қолди.

Ҳар бир китоб, кишилар синтари, ўз тарихига эга бўлади. Навоий номли халқ кутубхонаси ҳам худди шунингдек ўзининг қариб юз йиллик тарихига эга.

Туркистон Россияга қўшилгач, бу ўлкада илғор рус маданиятининг таъсири ёйила бошлади. Унда ўлкани ўрганиш бўйича бир неча жамиятлар, гимназия ва рус — тузем мактаблари, театр ва ҳоказолар вужудга келди. Прогрессив аҳамиятга эга бўлган ана шундай маданий муассасалар қаторида 1870 йилда Тошкентда Туркистон халқ кутубхонаси очилди. Бу ерга Петербург ва Москванинг кутубхона ва университетларидан дастлабки китоблар келтирила бошланди. Илғор рус турколог-олимлари ва библиографларининг кучғайрати билан кутубхона турли хил китоблар билан аста-секин бойиб борди. Унда Ўрта Осиё халқларининг тарихи, этнографияси ҳамда маданиятига оид талай муҳим материаллар тўпланди. Бу ишда кутубхонанинг биринчи мудири Н. В. Дмитровский, академик В. В. Бартольд ва В. Л. Вяткинларнинг хизмати катта бўлди. 594 томдан иборат «Туркестанский сборник» деб аталган тўплам айниқса диққатга сазовор. У Ўрта Осиё ҳамда чет эл Шарқининг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон каби йирик давлатлари тўғрисида рус ва Ғарбий Европа халқлари тилларида босилиб чиққан жуда кўп материалларни ўз ичига олади.

Кутубхона фондидаги буюк рус революционер-демократлари ва ёзувчилари Чернишевский, Добролюбов, Салтиков-Шчедрин, Некрасов ва Писаревларнинг асарлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотарди. Бу эса бирнеча марта чор амалдорларининг қаршилигига дуч келди. 1882 йилда Туркистон генерал-губернатори Чернаев кўрсатмасига биноан кутубхона ёпиб қўйилди. Жамоатчиликнинг қаттиқ норозилиги ва тазйиқи билан фақат 1884 йилдагина кутубхона қайтадан ўз ишини бошлади.

Революциядан илгари кутубхона тор доирадаги рус ва маҳаллий зиёлиларнинг вакилларига хизмат қилар эди. У тор ва кўримсиз бинода жойлашган бўлиб, чор ҳокимияти эса кутубхона учун жуда кам маблағ сарфлар эди. Хизматчилар сони ҳам бир нечтагина эди. Кутубхона фонди 1917 йил бошига келиб 80 мингга яқин томдан иборат бўлган.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг кутубхона кенг меҳнаткашлар оммаси учун хизмат қила бошлади. У республикамизда саводсизликни батамом йўқотиш соҳасида, социалистик маданият ва маорифнинг вужудга келишида бениҳоя катта роль ўйнади. Энди-ликда кутубхона Ўзбекистоннинг йирик маданият ўчоқларидан бири бўлиб қолди.

Ҳозир кутубхона полкаларида уч миллиондан ортиқ турли соҳаларга оид китоб, журнал ва бошқа нашрлар бор. Бу революциядан илгариги китоб фондига нисбатан қирқ марта кўп демакдир. Кутубхона қирқ йилдан ортиқ вақтдан бери (1923 йил) СССРдаги барча нашриётларда босилиб чиқадиган ҳамма нашрларни олиб туради. Ҳар йили у икки юз мингга яқин босма листи миқдорида китоб, журнал, брошюра, нота ва ҳоказоларни олади. Шунингдек, бу ерда барча марказий ва республика газеталарининг нусхалари бор.

Кутубхонада жуда кўп нодир китоблар ва қўлёзма нашрлар ҳам сақланади. Бу ерда рус босма китобларининг ўтган асрларда босилиб чиққан нусхаларини учратиш мумкин. Улар орасида биринчи рус матбаачисининг муҳри босилган «Осторожная библия» китоби, ўн еттинчи аср математиги Л. Магницкийнинг арифметик дарслигини, М. В. Ломоносовнинг «Российская грамматика» китоби ва ҳоказолар эътиборингизни ўзига тортади. Шунингдек кутубхона фондида Туркистонда революциядан илгари нашр этилган «Туркестанские ведомости», «Русский Туркестан», «Самарқанд» каби газеталарнинг кўп йиллик нусхалари бор. Пролетариатнинг улуғ доҳилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» асарининг ўзбек тилидаги биринчи нашри (1925 йил), шунингдек В. И. Ленининг ўзбек тилида нашр этилган дастлабки асарларининг нусхалари ҳам шу ерда авайлаб сақланади.


Навоий номли кутубхонанинг ўқувчилари ҳозирги вақтда йигирма беш мингдан ҳам ошиб кетди. Унинг катта ва ёруғ ўқув залларида ўз билимини қунт билан ошираётган ишчиларни, ёзги имтиҳонларга тайёрланаётган олий ўқув юртларининг студентларини, илм-фаннинг барча соҳаларида ишловчи кекса олимлар ва илмий ходимларни, ўрта мактаб ўқувчиларини учратасиз.

Кутубхона Москва, Ленинград, Киев ва Иттифоқимиздаги барча йирик халқ кутубхоналари билан доимо алоқа қилиб туради. Бу йирик маданият ўчоғининг чет эллик дўстларимиз орасида совет китобини тарқатиш, уларни социалистик Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ютуқлари, ўзбек халқининг ҳаёти билан таништириш соҳасидаги хизматларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу йил чет мамлакатлардаги 76 кутубхона ва бошқа маданий муассасаларга жами 550 китоб ва 650 журнал юбориш мўлжалланмоқда. Шу мамлакатлардан эса кутубхонага йилига 500 га яқин турли китоб ҳамда қарийб 600 та журнал келиб туради.

Кутубхона библиография, кутубхоначилик ва китоб тарихини ўрганиш бўйича йирик илмий муассасага айланди.

Совет Ўзбекистони инсоният тарихида қисқа бир давр — қирқ йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада ривожланди, унинг иқтисодий ва маданий қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Энди-ликда Ўзбекистон Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази бўлиб қолди. Ана шу буюк ютуқларимизнинг ҳаммасида Алишер Навоий номли Давлат халқ кутубхонасининг ҳам катта улуши бор.

И. СУЛТОНОВ.



**Мактабларда имтиҳонлар бошланди. Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Дмитров номли колхознинг 87-мактаб ўқувчилари имтиҳонга жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар группа бўлиб йил давомида ўтилган темаларни такрорламоқдалар. Суратда: 8-синф ўқувчилари физика кабинетида бир билан ишлайдиган машина тузилишини кўздан кечирмоқдалар.**

В. Салов фотоси.

## ГУЛЛАРДАН ДОҲИЙ ПОРТРЕТИ

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни муносабати билан ўтказилган бу учрашувни Ҳамза номидаги пионерлар уйининг бахтиёрлари узоқ вақт эсда сақлаб юрадилар. Шу куни болаларнинг севимли шоири Қудус Муҳаммадий, «Ғунча» журнали редактори Собир Юнусов ва Тошкентда билим олаётган ҳиндистонлик бир группа студентлар, бу ерга меҳмон бўлиб келишди.

Пионер ва ўқувчилар ўз қўллари билан гулдан ясаган доҳий В. И. Ленин портретини меҳмонларга кўрсатдилар.

М. УМАРОВА.

## ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

*Бўка район матлубот жамиятига қарашли Пискент матлубот жамияти кийим тикиш устахонасининг коллективи қишлоқ меҳнаткашларига машиий-хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан бир қанча амалий тадбирлар белгилади.*

*Ҳозир устахонага кийим тиктириш юзасидан кўплаб заказлар келиб тушибди. Шу йилнинг биринчи кварталидаёқ аҳолидан қабул қилинган мингдан ортиқ заказ ўз вақтида бажарилди.*

*Колхозчилар ва совхоз ишчиларига янада қулайлик туғдириш мақсадида устахона чеварлари жойларга бориб аҳолидан заказлар қабул қилишни ташкил этишяпти.*

*Шуни ҳам айтиш керакки, устахона коллективи шу йилдан бошлаб турли хил материаллардан қарз тариқасида кийим-кечаклар тикиб беришни ҳам йўлга қўйди. Қарзга кийим тиктиришни истаган кишидан дастлаб, фақат 25 процентги миқдоридагина ҳақ олинади. Қолган ҳақни эса, йил охиригача тўлаб бориш мумкин.*

*Республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашаётган устахона коллективи аҳолига маданий-машиий хизмат кўрсатиш соҳасида кун сайин янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.*

*Ю. ДАЛЛИН,*
*Пискент матлубот жамиятига қарашли якка тартибда кийим тикиш устахонасининг мудири.*

## МЕДИЦИНАНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Пойтахтимиздаги 108-мактабнинг юқори синф ўқувчилари «тез ёрдам» клиниги касалхонасида медицинанинг турли соҳалари бўйича таълим олишяпти. Улар бу ерда хирургия, терапия, фармокология бўйича ўқув плани асосида дарс ўтишяпти. Бир группа қизлар эса акушерликдан шуғулланишмоқда.

Шунингдек шаҳримиздаги 93, 123, 9, 21, 50-мактаб ўқувчилари ҳам бир қатор медицина муассасаларида ҳамширалик, акушерлик, терапия ва фармокология бўйича қўшимча таълим олишяпти.

Ш. ФОЗИЛОВ.

## НУРЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Чорвоқ гидроузели қурилиш майдонларига энди самосвал-лар билан материаллар ташиб келтирилмайди. Яқинда Барраж —Чорвоқ темир йўли қурилиб битказилди. Қурилиш материаллари, ГЭС учун керакли бўлган асбоб-анжомлар вагонларда, платформаларда келтирилаётир.

Э. МУСАЕВ.

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Олий ўқув юртлари ўз оти билан ўқув-тарбия ўчоқлари ҳисобланади. Институтга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз ўзини қайноқ илмий ҳаёт қучоғида кўради. Чунки, олий ўқув юртида атоқли фан арбобидан тортиб, то биринчи курс студентигача ўрганиш, тинимсиз изланиш ва ижод билан банд бўлади.

Тошкент политехника институтида ҳам ана шундай қайноқ ҳаёт ҳукмрон. Биз, профессор-ўқитувчилар коллективининг бутун эътибори студентларга чуқур билим беришга, уларни юксак ахлоқ эгалари қилиб тарбиялашга қаратилган. Институтнинг фаолияти фақат шулар билангина чекланмайди. Илм-фанни юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар коллективининг жонажон бурчидир.

Коммунистик қурилиш вазифалари олий мактабни турмушга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш билан бирга, институтларни чинакам илмий-тадқиқот марказларига айлантиришни талаб этади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш тўғрисида» деб чиқарган янги қарори илмий ходимларнинг юқори малакали кадрларига эга бўлган олий мактаб ҳақида яна бир катта ғамхўрликдир. Бу қарорда олий ўқув юртлари илмий-педагог ходимларининг энг муҳим илмий проблемаларни ҳал этишдаги ролини кўтариш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Институтда илмий фикрнинг равнақи учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Шу сабабли илмий-тадқиқотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Олимларимиз тадқиқотлари айниқса кейинги йилларда ишлаб чиқаришга кенг жорий этила бошланди.

Янги қарорда химия саноатини юксалтиришда олий ўқув юртларининг ролини ошириш зарурлиги ҳақида ҳам оқилона фикрлар илгари сурилган. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари химик олимларимиз илмий фаолияти учун асосий дастур бўлди.

Шу кунларда химия-технология факультети олимларининг гайратташаббуси айниқса жўш уряпти. Доцент Н. Ризаев раҳбарлик қилаётган полимерлар проблемаси лабораториясига келсангиз талайгина янгиликларнинг шоҳиди бўласиз. Дарҳақиқат, лаборатория ходимларининг ижодий ютуқлари чакки эмас. Энг муҳими, бу илмий марказ саноат корхоналари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Лаборатория лимон кислотаси ҳосил қилишнинг технологик процессини ишлаб чиқди, янги хил смолалар олишнинг илмий асосларини яратди.

Профессор А. Л. Марқман бошлиқ лаборатория эса аналитик химия соҳасида анчагина ишлар қилди. Профессор Х. Рустамов бошлиқ олимлар химиявий катализаторлар ва бирикмалар кашф этиш учун маҳкам бел боғлашган.

Механика факультетининг лабораторияда ва кафедраларида ҳам ишлаб чиқариш билан ижодий алоқа боғланган ҳолда тадқиқотлар олиб борилаяпти.


Кўриниб турибдики, олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш фанни тараққий эттиришнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Шунинг учун ҳам қарорда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳозир олий ўқув юрти мамлакатимиздаги 40 дан ортиқ корхона ва муассасалар билан ҳўжалик шартномалари тузган. Институтимиз билан шартнома боғлаган Оҳангарон кўмир разрези, Тошкент, Бекобод, Самарқанд гўшт комбинатлари олимлар ижодий меҳнатидан хурсанд. Шунингдек, ҳўжалик шартномаларига мувофиқ геофизика экспедициялари олиб борилди.

Ҳўжалик шартномаларини муваффақиятли бажаришда институт билан ҳўжаликлар ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-текшириш лабораториялари катта роль ўйнайди. Бу соҳада Украина Халқ ҳўжалик кенгаши ибратли ишларни амалга оширмоқда. Халқ ҳўжалик кенгаши Киев шаҳридаги олий ўқув юртларида мураккаб лабораториялар очишнинг ташаббускори бўлди. Бизнингча, бу фойдали тадбирни кенг оммалаштириш лозим. Чунки, Коммунистик қурилиш вазифалари халқ ҳўжалик кенгашларида ва йирик саноат корхоналарида илмий ишлар кўламини тағин ҳам кенгайтириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш тўғрисида қабул қилинган бу қарор институтларда олиб борилаётган илмий ишларни тағин ҳам кенгайтириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган муҳим тадбирдир. Институтимиз илмий-педагог кадрлари коллективи ҳам бу қарорни амалга ошириш учун бутун имкониятларини ишга солади.

Х. БОЙМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Политехника институтининг проректори.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг илмий ходими ўртоқ А. Каримжонов мўъжизаси —мўъжизаси химия сирларини очиш иштиёқида тинмай кузатиш ишларини олиб бормоқда. Суратда: ўртоқ А. Каримжонов лабораторияда илмий текшириш ишлари олиб бормоқда.

С. Сенченко фотоси.

## ПЕНСИОНЕРЛАР ҲИММАТИ

Содиқ ота Давронов, Александр Мамен, Алексей Садков, Қодир ота Юсупов каби чирчиқлик кексалар электрохимия комбинатида ўттиз-қирқ йиллаб самарали меҳнат қилишган. Ҳозир улар давлатдан пенсия олишади, лекин:

— Меҳнатга ўрганган одам меҳнатсиз туролмас экан,— дейишади улар,— аввалари қадрдон цехларимизга бориб, ёшларга ўз тажрибаларимизни ўргатиб юрдик, кўпгина пенсионерлар меҳнатни тарк этишмади, ишлайверишди.

Комбинат ёнида бир гектардан зиёд майдон култепа бўлиб ётарди. Бу аҳвол биз кексаларнинг ғашини келтирарди. Шу боисдан бу ерда боғ барпо этишга аҳд қилдик. Бизнинг бу ташаббусимиз комбинат маъмурияти томонидан мамнуният билан қарши олинди. Комбинат ҳар жиҳатдан бизга ёрдам бериб турди. Техника бизга катта мадад берди. Инсон қўли гул деб шуни айтади-да! Қарабсизки сал вақт ўтмай «култепа»да гултепа пайдо бўлди.

Дарҳақиқат бундан бирнеча йил муқаддам аҳлатхона бўлган бу майдонда эндиликда ажойиб боғ яшнаб турибди. Боғда олма, ўрик, олча, гилос, узум ва бошқа турли хил мевали дарахтлар шовул ҳосилга кирган. Шунингдек йўлкаларнинг икки чеккасидаги гуллар боққа янада файз бахш этган.

Боғнинг ҳусни пенсионер оталарнинг меҳнатсеварлигидан далолат беради. Ҳар бир дарахт ва гулнинг таги юмшатилган, ўсимликлар меҳр билан парвариш қилинади. Боғда ҳамма вақт пенсионер оталарнинг гурунги янграб туради.

Пенсионер оталарнинг ташландиқ жойда барпо этган боғининг ноз-неъматидан, соя-салқинидан комбинат ишчи-хизматчилари ҳам баҳраманд бўлишяпти. Оталарнинг бу олий ҳимматидан ҳамма хурсанд.

К. МУҲАМЕДОВ.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НАТИЖАЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### „КИМНИНГ АРЗАНДАСИ БУ"

Ана шундай умумий сарлавҳа остида, газетамизнинг шу йил 28 март сонида, бир неча кичик-кичик танқидий материаллар босилган эди. Қуйида шулардан бири «Кимнинг арзандаси бу» сарлавҳали мақолага олинган жавобни босаётирмиз.

«Мақола 9-тегирмон ишчи хизматчилари билан ўтказилган умумий мажлисда муҳокама қилинди, — деб жавоб юборди Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари ўртоқ Ф. Тожиев. — Мажлисга Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг вакили И. А. Халилова, технология техникумининг директори М. Г. Першуков, техникум маҳаллий комитети раисининг ўринбосари М. Е. Набоналар қатнашди.

Мажлисда сўзга чиққан ўртоқлар тегирмон хўжалигида йўл қўйилаётган камчиликлар, инженер Р. А. Красинованинг ишчи-хизматчиларга нисбатан қўпол муносабатда бўлаётгани, танаббурлиги газетада тўғри танқид қилинган, деб эътироф қилишган.

Газета танқидидан кейин Тигирмон территорияси тозаланган, фойдаланмаётган, асбоб-ускуналар складга олиб кириб қўйилган. Ўртоқ Красинова Тигирмон ҳовлисидаги квартирани бўшатиб, бошқа квартирага кўчган.

Технология техникуми маъмурияти камчиликларнинг олдини уз вақтида олмагани учун инженер Р. А. Красинована огоҳлантириш ва нелгусида танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ишда бурилиш ясаш ва ишчиларга нисбатан муносабатни ўзгартиш лозимлигини уқтирди».

## Артистлар ўқувчилар меҳмони

Муқимий номли музикали драма ва комедия театрининг бир группа артистлари Октябрь районидаги 123-мактаб ўқувчилари ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Кечада Ўзбекистон ССР халқ артистлари Л. Саримсоқова, С. Ҳўжаев, республикада хизмат кўрсатган артистка Фарогат Раҳматова, ёш артистлардан Б. Ихтиёров, Г. Ёқубовалар «Тошболта ошиқ», «Икки билакузук», «Жон қизлар», «Ишқинг билан» спектакларидан парчалар кўрсатишди.

Х. АҲМЕДОВ.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

# АДЕНДА НИМАЛАР РЎЙ БЕРМОҚДА?

Аден — Англиянинг Гибралтар ва Сингапур ўртасидаги сўнгги ҳарбий-стратегик базаси жойлашган араб территорияси бўлиб, инглизларнинг Араб шарқидаги бирдан-бир мустамлакачилик таянчи ҳисобланади. Британия монополистлари шу базага таяниб Арабистон ярим оролидаги беҳисоб нефть бойликларини зулукдек сўриб ётибдилар. Шунинг учун ҳам Англия Аденга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган. «Дейли телеграф»нинг ёзишича, бу мамлакатдаги «мудофаа» мақсадларига Англия ҳар йили 11 миллион фунт стерлингдан ортиқ маблағ сарфлайди. Аден шаҳрининг ўзида йирик нефть тозалаш заводи, 8 та инглиз банки, Жанубий Арабистонни эксплуатация қилиш билан банд бўлган ҳисобсиз фирмаларнинг конторалари жойлашган. Чет эл матбуотининг хабарига қараганда, умуман Арабистон ярим оролининг жанубий районларида инглиз мустамлакачилари 20 дан ортиқ ҳарбий ҳаво, ҳарбий денгиз ва қуруқлик қўролли кучлари учун махсус базалар вужудга келтирганлар.

Уларнинг барчаси Адендаги асосий ҳарбий база билан боғлиқдир.

Англия Аденни 1839 йилда босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантирган эди. Айни вақтда у қонунсиз равишда Яманнинг жанубий районларини ҳам бу территорияга қўшиб олган эди. Адендан туриб олиб борилган қатор урушлар натижасида Жанубий Арабистондаги кўпгина араб султонликлари ҳам инглиз протекторатига айланиб қолган.

Аммо Жанубий Арабистон халқлари чет эл ҳукмронлигига қарши ҳамавақт курашиб келди. Бу кураш иккинчи жаҳон урушидан кейин, мустамлакачилик системасининг емирилиши янги босқичга киргач айниқса авж олиб кетди. Бундан чўчиб қолган инглиз империалистлари Жанубий Арабистон устидан ўз ҳукмронликлари шаклини ўзгартишга шошилдилар. 1959 йилга келиб мустамлакачилар шу пайтгача протекторат деб юритиб келган районлардаги араб султонликларидан Жанубий Арабистон Федерацияси тузилганини эълон қилдилар. Бу сунъий давлат составига 11 султонлик киритилиб, унинг федерал совети ва ҳатто министрлари ҳам тайин қилинди. Шу нарса характерлики, инглиз мустамлакачилари Аденнинг мустамлака қисмини олдин Федерацияга қўшмаган эдилар. Кейинроқ эса у ердаги миллий-озодлик ҳаракати тўлқинини пасайтириш мақсадида бу районни ҳам федерацияга қўшиб юбордилар. Адендаги миллий-озодлик ҳаракати кучайишда давом этаверди, тез орада ўзининг таъсирли ўтига федерациядаги султонликларни ҳам чулғаб олди.

Жанубий Арабистондаги миллий-озодлик ҳаракати Яманда амалга оширилган революциядан кейин янада авж олиб кетди. Аден халқи мустамлакачиларнинг мамлакатдан чиқиб кетишини талаб қилди, султонликларнинг кўпчилиги федерациядан чиқиш, мустақил бўлиш шиорини кўтариб чиқди. Инглизлар халқ курашига қарши репрессияга ўтиб, Аден ватанпарварларидан қарийб 5000 кишини қамоққа ташладилар.

Жанубий Арабистондаги инглизларнинг кирдикорлари БМТ Бош Ассамблеясининг XVIII сессиясида муҳокама қилинди. Қабул қилинган махсус қарорда барча ватанпарварларни қамоқдан озод қилиш, Аденга ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ихтиёрини бериш лозимлиги айтилган эди. Аммо Англия бу қарорни инобатга олмади. Аксинча у Жанубий Арабистон ватанпарварларига қарши репрессияни янада кучайтирди. Ватанпарвар араб қабилалари қаҳрамонона курашни ҳамон давом эттирмоқдалар.

Айни вақтда аламзада инглиз мустамлакачилари Яман республикасига қарши агрессив ҳаракатларини тўхтатмаётирлар. Яманда республика эълон қилингандан буён инглизлар Адендаги ўз базаларидан туриб Яман территориясига 40 мартадан ортиқ агрессив ҳаракат қилганлар.

Яман республикаси инглиз мустамлакачиларининг агрессив ҳаракатларига чек қўйилишини талаб қилиб, БМТ нинг Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилди. 9 апрелда Хавфсизлик Кенгашининг 24 лар комиссияси Фил суяги қирғоғи ва Марокашнинг таклифи билан Англиянинг бу райондаги агрессив ҳаракатларини қораловчи резолюция қабул қилди. Аммо Англия бу сафар ҳам БМТ қарорларини поймол қилиб, Аденда ва Яман республикаси чегараларида ўз кирдикорларини давом эттириб келаётир. Жанубий Арабистондаги Англия стратегиясида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди, деб ёзди яқинда сурбетларча инглиз газеталаридан бири «Дейли телеграф».

Айни вақтда Жанубий Арабистонга ҳарбий транспорт самолётларида шошилинч равишда инглиз солдатлари ва қурол-яроғ ташиб келтирилмоқда. Инглиз қўролли кучлари танк, самолёт ва ракеталар ёрдами билан Жанубий Арабистон халқига қарши агрессив урушни тобора кенгайтирмоқда.

Англиядаги реакцион доиралар инглиз жамоатчилиги тамоман қарши бўлган бу шармандали агрессияни янада кенгайтириш, ҳатто «Дейли экспресс» газетасининг ёзишича, бу соҳада ўз шериклари, айниқса АҚШдан ҳамкорлик қилишни сўраш ниятида ҳамдирлар. «Биз Сувайшда,—деб ёзади ана шу газета,—маглубиятга учраган эдик. Иккинчи марта муваффақиятсизликка йўл қўймаслигимиз лозим». Англия мудофаа министри Торникрофт ўзининг кейинги Британия ҳукумати Аден ва Жанубий Арабистонда ҳарбий назоратдан воз кечишга мутлақо рози эмаслигини таъкидлаб, бу районда «Британия қўролли кучлари ҳарбий операцияни муваффақият билан ўтказмоқдалар»,—деди. Бош министр Дуглас—Хьюм эса, агар шароит тақозо қилса Англия Жанубий Арабистонга «Германиядаги инглиз солдатларини юбориши мумкин»,—деди.

Мустамлакачиларнинг ҳукмронлик замонлари ўтмиш воқеасига айланиб бораётган бир пайтда инглиз империалистларининг бу ҳаракати сувга чўкаётган кишининг сомон парчасига ёпишишини эслатади. Энди мустамлакачиларга на ҳарбий куч, на макр-ҳийлалар ёрдам кўрсатаолмайди. Аден халқининг кураши ҳаққоний кураш, уни бостириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Инглизларнинг араб давлатларини чўчитиш мақсадида Яман республикасига қарши қилаётган агрессив хуружлари эса барча араб давлатларининг инглиз мустамлакачилик сиёсатига қарши жипслашишга олиб келаётир.

Жаҳондаги барча прогрессив кучлар ва айниқса араб халқларининг энг яқин дўсти ва империализмга қарши курашда мададкори — Совет Иттифоқи халқлари инглиз мустамлакачиларининг Жанубий Арабистондаги агрессиясига чек қўйилишини қатъий талаб қилмоқда. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва БАР Президенти Гамол Абдул Носир ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида эълон қилинган Қўшма Баёнотда Совет ҳукумати империализмга қарши ўз озодлиги учун курашаётган Аден ҳамда Жанубий Арабистон халқини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласида бирлашган Араб Республикаси билан ҳамфикр эканлигини билдирди.

Инглиз империалистларининг Жанубий Арабистондаги кирдикорлари Сувайшда бўлганидек бу ерда ҳам шармандаларча барбод бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Б. МАННОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

# ФАН ЮТУҚЛАРИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА



Оқтепа массивининг бугунги кўрки кишини ўзига ром қилади. Суратда: массивда қад кўтарган баҳаво бинолар.

В. Салов фотоси.

## ТАРАДДУД

31-сонли профессионал-техника билим юрти Тошкентдаги тўнғич ҳунар ўчоқларидан биридир. Билим юрти бу йил 40 ёшга тўлади.

Ҳозир кўплаб машинист ёрдамчиси, слесарь, электромонтёр, токарь ва бошқа ихтисосдаги ёш ҳунар эгалари таълим олмоқда.

— Билим юртимизнинг тўйи республикамизнинг шонли 40 йиллик юбилейига тўғри келди,—дейди билим юрти директорининг ўринбосари П. Дробкин,— юбилей олдидан катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз. Ўқувчилар «Менинг Ўзбекистоним», «Жонажон Тошкент» деган программада байрам томошасини тайёрлашмоқда.

М. УМАРОВА.

# ИСТИҚБОЛГА САЁҲАТ

### *Минерал ўғитларга бағишланган Бутуниттифоқ конференциясидан*

Ноорганик моддалар технологияси кафедраларининг Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ олий ўқув юртлариаро конференцияси қатнашчилари заводлар ва далаларнинг истиқболига саёҳат қилгандек бўлдилар. Конференция минерал ўғитларнинг химияси ва технологияси проблемаларига бағишланган эди. Бу форумда илмий тадқиқот ва академия институтлари, саноат корхоналарининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Конференция 29 майда ўз ишини тамомлади. Беш кун давомида конференцияда минерал ўғитлар индустриясининг энг муҳим проблемаларига бағишланган 80 дан қўпроқ доклад тингланди. **Ленсовет номли Ленинград технология институтининг профессори М. Е. Позин, Ростов қишлоқ хўжалик машинасозлик институтининг профессори А. Г. Бергман, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Н. Набиев, Қўқон суперфосфат заводининг директори В. Д. Базиловдан Ўзбекистон телеграф агентлигининг тўғарак столи атрофида ўтириб, олимларнинг ана шу учрашуви якунлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.**

— Конференция концентратли ва балластсиз минерал ўғитларни вужудга келтириш масаласига катта эътибор берди. Бу проблемаларни қайси йўл билан ҳал қилиш мумкин?

— Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларнинг таркибида ўрта ҳисобда 25 процент озуқа моддалари бор,— дейди **М. Е. Позин.** — Демак, ўғитлар вазнининг тўртдан уч қисмини бекуда ташишга тўғри келади. Ўғит ишлаб чиқаришнинг кескин кўпай тирилиши муносабати билан уларнинг концентрациясини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми 1970 йилда мамлакатимизда 70—80 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш вазифасини қўйганлигини эслаб ўтайлик. Башарти шу миқдордаги минерал ўғитларни биз бир поездга ортганимизда, бу поезд состави шимолий қутбдан жанубий қутбга чўзилган бўлур эди. Шунинг учун ҳам юксак концентратли ўғитларни вужудга келтириш ҳозирги вақтда муҳим проблема бўлиб қолмоқда. Ҳозир мамлакатимизнинг бир ҳозирги вақтда ташлаб юборилаётган жуда катта бойликларни аниқлаш имконини беради. Ленинграддаги машҳур «Светлана» заводининг мисоли корхоналарнинг чиқиндиларида баъзан қандай хазиналар яшириниб ётганлигини кўрсатади. Ана шу корхона чиқиндиларидан фойдаланиш бир миллион сўмлик қўшимча ҳосил олиш имконини беради! Микромодда бўлади. Винница химия комбинатида мамлакатимизда уч қисмдан иборат суперфосфат ишлаб чиқарадиган биринчи тажриба цехи қурилмоқда.

Қоратовдаги ноёб фосфоридлар манбаи базасида товар фосфор кислотасини ва элементар фосфорни саноат йўли билан вужудга келтириш имкониятини очилмоқда. Бу эса, юксак концентратли азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини беради. Мамлакатимиз олимлари ҳосил қилган нитроаммофоск ана шундай ўғит намунасидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, конференциямизда қўпгина докладлар Қоратов бойликларидан яхшироқ фойдаланиш, жумладан, табиатнинг ана шу ноёб хазинасидан юксак концентратли ўғитлар олиш проблемаларига бағишланди. Гап шундаки, Қоратов фосфоритларини бизда кенг қўлланилаётган Кола апатитлари билан механик тарзда алмаштириб бўлмайди. Қозоғистоннинг шу бойликларидан фойдаланиш учун оригинал методлар, янги технология зарур. Ўзбекистон олимлари бу ишга ўзларининг анча катта ҳиссаларини қўшдилар. Фан билан ҳамкорликда Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларида Қоратов фосфоридлари негизида аммонийлашган юқори сифатли суперфосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон тажрибасини кенг ёйса арзийди.

— Қишлоқ хўжалигини микроўғитлар билан таъминлаш имкониятлари қандай?

— Бир қанча элементлар —молибден, марганец, рух, бор, магний, мис, йод ўсимликлар учун жуда оз миқдорда зарур, — деб давом эттиради суҳбатини профес. сор М. Е. Позин.— Ўсимликлар бу элементлар бўлмаса, касал бўлиб қолади ва нобуд бўлади. Саноат корхоналарининг чиқиндиларидан фойдаланиш — қишлоқларни микроўғитлар билан таъминлашнинг иқтисодий жиҳатдан энг фойдали йўлидир. Саноатнинг барча тармоқларида, айниқса рангли металлургия, нефть саноати корхоналарида, электротехника ва металл ишлаш заводларида чиқиндиларни қидириб топиш юзасидан «ревизия» ўтказиш зарур. Бу тадқиқий ишларни ишлаб чиқаришда амалий қўлланмоқдалар.

Мастерларимизни билимдон кишилар қилиб тарбиялашда корхона миқёсида бирмунча ишлар қилинмоқда. Ҳамма мастерларимиз тизимли санъати курсини ўқиб чиқадилар. Курснинг аҳамияти шундан иборатки, бу ерда тикувчиликда энг янги прогрессив усуллар амалда ўрганилади. Ҳар бир мастер тўрли операцияларни бевосита тикув машинасида бажаради. Шундай қилмаса бўлмайди-да. Чунки мастер ўзи раҳбарлик қилаётган участкадаги ишчиларга ҳар бир янги топшириқни бераётганда уни бажариш усулларини ўргатиши лозим. Тикувчиларнинг ишларини юзатиш давомида уларнинг хатокамчиликларини бартараф қилиш йўлларини кўрсатиши керак.

Мастер учун амалий тикиш санъатини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Улар ишни ташкил этиш, ҳисоб-китоб ишлари, тикувчиликдаги янгиликлар, машина ва ускуналарни яхши билиши шарт. Ана шуни назарда тутиб корхонамиздаги барча мастерларни тўқимачилик институти ҳузуридаги инженер-техник ходимларнинг олий техник курсларига жалб этди. Институт ўқитувчилари курс машғулотларини бевосита корхонанинг ўзида олиб боришмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мастерлар ўз назарий ва амалий билимларини оширишга муваффақ бўлишмоқда.

Мастер ўз участкасида кичик сиёсий раҳбар ҳамдир. Кишилар ўртасида коммунистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланишида у тегишли роль ўйнайди. Ишчилар мастерга устоз деб қараб, унинг юриш-туришига ҳам, сўзига ҳам эътибор берадилар. Ҳозирги вақтда ишчилар маълумотли кишилардир. Улар билан маданий тилда гаплашиш, вақти келганда ҳар қандай сиёсий-ижтимоий саволларига жавоб беришга тўғри келади. Шу туфайли район партия комитети мастерлар мактабини ташкил этди. Бизнинг мастерларимиз ой сайин ана шу мактабга бориб турадилар.

Мастерларнинг сиёсий билимлари ва ташкилотчилик маҳоратларини юксалтиришда фирмамиз партия, комсомол ташкилотлари муҳим роль ўйнаётир. Партия сиёсий маорифи тўгараклари мунтазам машғулотлар ўтказиб турибди. Фирмада бу йил ташкил этилган коммунистик меҳнат тажрибаси мактаблари айниқса яхши натижа бермоқда. Машғулотларнинг мутахассис кадрлар томонидан олиб борилаётгани предметларни яхши ўзлаштирилишини таъминлаётир. Фирмамиз бош инженери А. Радзиковский, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг мудири О. Багдановский ўртоқлар мактаб машғулотларини олиб боришда айниқса жонкуярлик қилишяпти.

Биз корхона экономикасини ўрганишга катта эътибор бераётирмиз. Токи ҳар бир мастер, бригадир ишлаб чиқаришга ишнинг кўзини билган ҳолда раҳбарлик қилсин. Ана шу мақсадда тузилган иқтисодий анализ бюролари мунтазам ишлаб турибди. Бу мактабларнинг машғулотлари жуда қизиқарли ўтади. Мастерлар, бригадирлар, инженер-техник ходимлар ўз билим ва тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Кадрлар тайёрлаш иши фирма кадрлар бўлимининг эътиборидан бир дақиқа ҳам четда қолмайди. Бизда ҳамма лавозимларни истаган пайтда эгаллаб, ишлаб кетаоладиган кадрлар резерви мавжуд. Корхонамизда юздан ортиқ ёш мутахассислар бўлиб, улар учун 7 кишидан иборат ёш мутахассислар совети ташкил этилган. Совет экскурсиялар уюштириб туради. Ойнинг ҳар ўн беш куни бизда ёш мутахассислар куни қилиб белгиланган.

Олиб борган ташкилий-тарбиявий тадбирларимиз фирмани қолоқликдан чиқарди. Давлат плани топшириқлари ой сайин ортиғи билан бажарилмоқда. Шу йилнинг 5 ойлик плани муддатидан анча олдин бажарилди. Брак маҳсулот ишлаб чиқариш, прогулчиликка мутлақо хотима бердик.

Фирмамиз коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун кураашаётир. Шундай бўлгач, ҳамма соҳада ҳам пешқадамлик қилишимиз лозим. Яқинда коллективимиз фақат ажло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш ташаббусини бошлади. Илғор мастерларимиздан Лутфинисо Убайдуллаева бошлиқ 2-цех, София Зайнутдинова бошлиқ 5-цех, Эмма Варданянц раҳбарлик қилаётган 4-цех ишчилари фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Бу цехлардаги кўпчилик тикувчилар етти йиллик планларини аллақачоноқ ўринлаб, 1966 йил ҳисобига меҳнат қилишаётир.

Эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмаймиз. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Мастерларимизнинг умумий маълумоти ҳозирги талаб даражасида эмас. Практикани назарий билимлар билан бойитиш лозим. Биз мастерлар составини тўла саводхон қилишга эришамиз.

А. КАМЕНСКАЯ,
«Валида» тикувчилик фирмасининг старший инженер-методисти.

## СИНТЕТИК ДЕРАЗА

Москва қурилишларида синтетик материаллардан фойдаланиш тобора кенг тус олмоқда. Ҳозир қурилишларда ёғоч-толали ва ёғоч-қипиқли плиталар, синтетик елим, рангли ойнапластика, поливинил ацетат бўёқлар ва бошқа синтетик материаллар жуда кўп ишлатилянти.

Фақат дераза блоклари аввалгидек ёғочдан тайёрланмоқда. Яқин кунларда уларнинг ўрнини ҳам янги пластик материаллар эгаллайди.

Янги дераза блоклари ўзининг ташқи кўриниши билан эътиборни жалб этади. Шу билан бирга улар пишиқ ва енгилдир.

Уларга нам ва ҳарорат таъсир қилмайди, иссиқ сув билан осон ювилади. Янги блокларнинг яна бир яхши хусусияти шуки, уларни бўяш керак эмас. Бу эса қиммат-баҳо бўёқ материалларини тежаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда йилига 25—30 минг квадрат метр шундай блок ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линияни лойиҳалаш ишлари тамомланаётир.

Бу янгиликнинг қўлланилиши қурилишда ёғоч материаллардан фойдаланишни анча камайтиради. Шу билан бирга у бекорга юбуд бўлаётган ўн минг тонналаб ёғоч чиқиндиларини ишлатишга имкон беради.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ,
архитектор.

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

**ОЛМАЛИҚ. (Штатсиз мухбиримиздан телефон орқали олинди).**

**В. И. Ленин номли Олтинтопган кон-металлургия комбинати олтингугурт цехи коллективи беш ойлик планни муддатидан олдин, 24 майда шараф билан адо этди.**

**Республикамиз тўйи шарафига 10 ойлик планни муддатидан икки ҳафта олдин бажариш мажбуриятини олган цех меҳнатсеварлари шу кунларда зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.**

Б. КИМ.

## МАДАДКОРМИЗ

Коллективимиз оталиққа олган Калинин номли колхоз янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган. Экин майдони шўрхок, техникаси камқувват, суви кам хўжаликлардан. Шунинг учун ҳам колхоз ҳеч ўнгланмасди, планларни бажараолмай эл-юрт олдида уялиб қоларди.

Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ўзаро маслаҳатлашиб ўтган йили шу қишлоқ хўжалик артелини оталиққа олишга, имконият борича яқиндан ёрдам беришга қарор қилишди. Даржол комиссия тузиб Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасига жўнадик. Хўжалик ҳаёти билан танишдик, камчиликларини ўргандик.

Колхоз устаханалари жуда ҳам примитив асбоб-ускуналар билан қуролланган экан. Сув чиқариш, тегирмонни юргазиш каби ишларда фойдаланилаётган тўртта электромоторнинг барчаси техник жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Қисмлари эскирган, бузуқ, запас агрегатлар йўқ.

Тезда 3-цех ишчиси Г. Кровцов бошлиқ бир группа темирчи-устаталарни колхозга ёрдамга жўнатдик. Улар вақтинча ўша ерда бўлиб техникаларни ремонтдан чиқаришди. Пахта йиғим-терим кампанияси тугагач, ремонт талаб қилган электроматорларни олиб заводга қайтишди.

Моторлар анча ишдан чиқиб қолибди. Уларга камида 300 сўм маблағ сарфлаб капитал ремонтдан чиқариш талаб этиларди. 4-энергоцехнинг ўртоқ Андрюсюк бошлиқ ремонтчилар бригадаси аъзолари сменадан сўнгги бўш вақтларида ҳеч ҳақ олмай бу ишни бажаришга сўз беришди. Оталиққаги колхозимизни юксалтиришга қўшадиган ҳиссамиз шу бўлади, дейишди асаматлар ва дарҳол ишга киришиб кетишди. Сменадан сўнг қолиб 1,5—2 соат бўш вақтларини бу фойдали ишга сарфлашади. Белгиланган кундан икки кун олдин — 26 мартда ремонт ишларини муваффақиятли тугаллашдилар. Тайёр моторларни ўрнатиб, ишга туширдик. Ишлаяпти моторлар!

Азаматларнинг зиммаларида бу йил мана шундай улкан вазифалар турибди. Пахтакор дўстларимиз масъулиятни яна ҳам чуқурроқ ҳис этсинлар деган мақсадда биз шу мажбуриятларни планкаларга қўчириб бердик. Меҳнат зафарларига чорловчи шиор ва транспорантлар ёзиб бердик.

Бундан кейин ҳам пахтакорлар холидан кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Қўлимиздан келганича, имконият борича уларга ёрдамимизни аямаймиз. «Ўроқ ва Болға» доимо бирга бўлса, ишчи ва деҳқон доимо иттифоқ бўлса биз учун ҳар қандай қийинчиликлар ҳам кўрқинчли эмас. Доимо олға қараб бораверамиз, коммунистик жамият қуриш программасини муваффақиятли амалга ошираверамиз.

А. ГУБАЧЕВ,
**Тошкент ремонт-экскаватор заводи партия ташкилотининг секретари.**

## ҚИШЛОҚ БИНОКОРЛАРИ

Куни кеча яна икки оилада ҳовли тўйи бўлди. Уларни совхоз раҳбарлари ҳам янги уй-жой билан табриклашди. Ана шундай уйлардан яна 2 таси қад кўтармоқда. Эрта-индин бу ҳовлиларга ҳам совхознинг 4 ишчи оиласи кўчиб киради.

Бундай қулай уй-жойларни Пётр Ликов бошлиқ бинокорлар бригадаси қурялти. Бу қўли гул бинокорлар яқинда 12 та трактор учун парк, механизаторлар учун ҳар хил бинолар қуриб берган эдилар.

Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун қурашаётган совхоз бинокорлари ҳозир 50 ўринли ошхона, чойхона, магазин, 320 бош қора мол сигадиган молхона қурилишини бошлаб юбордилар. Бу қурилишларнинг барчаси юбилейгача фойдаланишга топширилади.

Ишчилар маданий-маиший шароитини яхшилаш учун катта клуб сифатли ремонтдан чиқарилди. Кино хизмати яхшиланди. Ана шу қурилишлар учун совхоз 33 минг сўм пул ажратган.

И. РУСТАМОВ,
Калинин район, «Дўрмон» совхози.

## МАСТЕРЛАР ЎҚИМОҚДА

Ишлаб чиқаришнинг кичик командирлари —мастерлар ишчиларга энг яқин турган кишилардир. Планларнинг муваффақиятли бажарилиши, маҳсулот сифатининг яхши бўлиши кўп жиҳатдан мастерларнинг ўз ҳунарини яхши эгаллаб олганлиги ва ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ. Буни яхши тушунган корхонамиз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мастерларнинг малакасини оширишга жиддий аҳамият беришмоқда.

Ўтган йили фирмамиз кенгай тирилди. Унга Тошкентдаги 4-тикувчилик ва Чирчиқдаги болалар кийимлари фабрикалари қўшилди. Ишчилар сони 4 минг кишидан ошиб кетди. Ана шу муносабат билан мастерларнинг масъулияти яна ортди. Талаб қўшилди.

Биргина бош корхонамизда 30 дан ортиқ мастер ишлайди. Уларнинг аксарияти практиклар бўлиб кечки ва сиртқи олий ўқув юртлари, техникумларда таҳсил кўришмоқда. Институт ва техникум аудиторияларида олган билимларини ишлаб чиқаришда амалий қўлланмоқдалар.

Мастерларимизни билимдон кишилар қилиб тарбиялашда корхона миқёсида бирмунча ишлар қилинмоқда. Ҳамма мастерларимиз тизимли санъати курсини ўқиб чиқадилар. Курснинг аҳамияти шундан иборатки, бу ерда тикувчиликда энг янги прогрессив усуллар амалда ўрганилади. Ҳар бир мастер тўрли операцияларни бевосита тикув машинасида бажаради. Шундай қилмаса бўлмайди-да. Чунки мастер ўзи раҳбарлик қилаётган участкадаги ишчиларга ҳар бир янги топшириқни бераётганда уни бажариш усулларини ўргатиши лозим. Тикувчиларнинг ишларини юзатиш давомида уларнинг хатокамчиликларини бартараф қилиш йўлларини кўрсатиши керак.

Мастер учун амалий тикиш санъатини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Улар ишни ташкил этиш, ҳисоб-китоб ишлари, тикувчиликдаги янгиликлар, машина ва ускуналарни яхши билиши шарт. Ана шуни назарда тутиб корхонамиздаги барча мастерларни тўқимачилик институти ҳузуридаги инженер-техник ходимларнинг олий техник курсларига жалб этди. Институт ўқитувчилари курс машғулотларини бевосита корхонанинг ўзида олиб боришмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мастерлар ўз назарий ва амалий билимларини оширишга муваффақ бўлишмоқда.

Мастер ўз участкасида кичик сиёсий раҳбар ҳамдир. Кишилар ўртасида коммунистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланишида у тегишли роль ўйнайди. Ишчилар мастерга устоз деб қараб, унинг юриш-туришига ҳам, сўзига ҳам эътибор берадилар. Ҳозирги вақтда ишчилар маълумотли кишилардир. Улар билан маданий тилда гаплашиш, вақти келганда ҳар қандай сиёсий-ижтимоий саволларига жавоб беришга тўғри келади. Шу туфайли район партия комитети мастерлар мактабини ташкил этди. Бизнинг мастерларимиз ой сайин ана шу мактабга бориб турадилар.

Мастерларнинг сиёсий билимлари ва ташкилотчилик маҳоратларини юксалтиришда фирмамиз партия, комсомол ташкилотлари муҳим роль ўйнаётир. Партия сиёсий маорифи тўгараклари мунтазам машғулотлар ўтказиб турибди. Фирмада бу йил ташкил этилган коммунистик меҳнат тажрибаси мактаблари айниқса яхши натижа бермоқда. Машғулотларнинг мутахассис кадрлар томонидан олиб борилаётгани предметларни яхши ўзлаштирилишини таъминлаётир. Фирмамиз бош инженери А. Радзиковский, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг мудири О. Багдановский ўртоқлар мактаб машғулотларини олиб боришда айниқса жонкуярлик қилишяпти.

Биз корхона экономикасини ўрганишга катта эътибор бераётирмиз. Токи ҳар бир мастер, бригадир ишлаб чиқаришга ишнинг кўзини билган ҳолда раҳбарлик қилсин. Ана шу мақсадда тузилган иқтисодий анализ бюролари мунтазам ишлаб турибди. Бу мактабларнинг машғулотлари жуда қизиқарли ўтади. Мастерлар, бригадирлар, инженер-техник ходимлар ўз билим ва тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Кадрлар тайёрлаш ишни фирма кадрлар бўлимининг эътиборидан бир дақиқа ҳам четда қолмайди. Бизда ҳамма лавозимларни истаган пайтда эгаллаб, ишлаб кетаоладиган кадрлар резерви мавжуд. Корхонамизда юздан ортиқ ёш мутахассислар бўлиб, улар учун 7 кишидан иборат ёш мутахассислар совети ташкил этилган. Совет экскурсиялар уюштириб туради. Ойнинг ҳар ўн беш куни бизда ёш мутахассислар куни қилиб белгиланган.

Олиб борган ташкилий-тарбиявий тадбирларимиз фирмани қолоқликдан чиқарди. Давлат плани топшириқлари ой сайин ортиғи билан бажарилмоқда. Шу йилнинг 5 ойлик плани муддатидан анча олдин бажарилди. Брак маҳсулот ишлаб чиқариш, прогулчиликка мутлақо хотима бердик.

Фирмамиз коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун кураашаётир. Шундай бўлгач, ҳамма соҳада ҳам пешқадамлик қилишимиз лозим. Яқинда коллективимиз фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш ташаббусини бошлади. Илғор мастерларимиздан Лутфинисо Убайдуллаева бошлиқ 2-цех, София Зайнутдинова бошлиқ 5-цех, Эмма Варданянц раҳбарлик қилаётган 4-цех ишчилари фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Бу цехлардаги кўпчилик тикувчилар етти йиллик планларини аллақачоноқ ўринлаб, 1966 йил ҳисобига меҳнат қилишаётир.

Эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмаймиз. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Мастерларимизнинг умумий маълумоти ҳозирги талаб даражасида эмас. Практикани назарий билимлар билан бойитиш лозим. Биз мастерлар составини тўла саводхон қилишга эришамиз.

А. КАМЕНСКАЯ,
«Валида» тикувчилик фирмасининг старший инженер-методисти.

Саноат САҲИФАСИ

# ҚАРДОШЛИК ФЕСТИВАЛИ

«Грузияфильм» студияси мамлакатимиздаги энг кекса киностудиялардан бири бўлиб, унинг ижодий фаолияти умумсовет кинематографияси тарихи билан узвий боғланган. «Грузияфильм» алоҳида ўз тарихига эга. Студия кино санъатига катта меҳр қўйиб бу шарафли соҳада ажойиб ишлар қилишни ўз олдиларига асл мақсад қилиб қўйган Грузия кинематографчиларининг уюшган катта коллективи томонидан ташкил этилган. «Грузияфильм» ўз тарихий тараққиёти давомида кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлди; яъни у тинмай изланиш, ривожланиш йўлига кираркан, бу йўлда муваффақиятсизликларга ҳам учради, қувончли галабаларни ҳам қўлга киритди.


Грузия кино санъатининг юксалишида, тараққий этишида, талантли миллий кадрларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Машҳур кинематография усталари Николай Шенгелая, Нато Вагнадзе, Михаил Чиаурели, Михаил Калатозов, С. Долидзе, Шота Манагадзе, Давид Рондели, Тенгиз Абуладзе, Резо Чхеидзе ва кўплаб бошқаларнинг номларини ҳозирги кунда ким билмайди, дейсиз. Грузия кино санъати тарихи ҳам ана шу моҳир режиссёр ва актёрлар, оператор ва рассомларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда мазкур атоқли санъат усталарининг бой маҳорат ва ижод эстафетасини ёш талантлар қабул қилиб олиб уни яна янги муваффақиятлар сари элтиш учун бор куч ва имкониятларини сарф қилмоқдалар.

Ҳозирги «Грузия фильм» деганимизда, дарҳол, биринчи навбатда ёшлар номини тилга олишга тўғри келади, чунки студиянинг асосий ижодий маҳсули мана шу ёшларнинг зиммасидадир. Ака-ука Шенгелая, Л. Гогоберидзе, О. Кокочашвили, О. Абесадзе, Г. Мгеладзе ва бошқалар ўзларининг мустақил ижодий ишлари билан кўпчиликнинг диққат-эътиборини тез қозона олдилар.

Кейинги йилларда «Грузияфильм» янги юксалиш йўлига кирди. Бу энг аввал ишлаб чиқарилаётган картиналарнинг ғоявий-бадиий савиясининг ёрқин лигида, ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг янада ҳаққоний кўрсатиб беришда кўринабошлади. Буни «Мен, бувим, Илико ва Илларион» (режиссёр Т. Абуладзе), «Палиастоми» (режиссёр С. Долидзе), «Отни ким эгарлайди» (режиссёр Ш. Манагадзе), «Оқ карвон» (режиссёрлар Э. Шенгелая ва Т. Мелиава), «Қўғирчоқлар қулади» (режиссёр Н. Санишвили) каби ва бошқа қатор фильмларда яққол кўриш мумкин.

КПССнинг тарихий XXII съезди қарорлари, партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувлари шубҳасиз «Грузияфильм» студияси коллективи ижодий фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади, албатта. Бизнинг студиямиз бу тарихий ҳужжатлардан тегишли хулоса чиқариб, ўзларининг кейинги яратган ва яратаётган янги картиналарида ҳаётимизни янада ҳаққоний акс эттириш, замон руҳини ўз асарларида тўла ва ҳар томонлама гавдалантириб бериш учун ҳаракат қилишаяпти. Ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотларнинг тематик доираси ҳам анча кенгайди. Жанр хилма-хиллиги масалаларида ҳам жиддий бурилиш сезиляпти.

Шу кунларда Тошкентда ўтаётган Закавказье республикалари кинофильмлари фестивалида Грузия кинематографчиларининг энг яхши экран асарлари




бўлган «Палиастоми», «Отни ким эгарлайди», «Оқ карвон» ва «Бешинчи қитъа йўллари» фильмлари намойиш қилиняпти.

«Палиастоми» — биринчи грузин рангли бадиий кенг экранли фильмдир. Грузиянинг йирик кинематографчиларидан бири бўлган таниқли режиссёр С. Долидзе бу фильмда революциядан аввалги грузин деҳқонларининг аянчли тақдирини ўткир кино тилида ҳикоя қилади. Фильмга грузин адабиётининг классиги Э. Ниношвилининг повести асос қилиб олинган. «Палиастоми» фильмига режиссёр С. Долидзе ўзига хос темперамент ҳамда усталик билан ёндошиб, унга ҳар томонлама сайқал бериб, фильмни ишончли қилиб ишлаган. Буни биз фильм финалидаги трагик эпизоддан яққол кўрсак бўлади. Бу экран асарининг муваффақиятли чиқишида оператор Д. Маргиевнинг ҳам хизмати каттадир. Фильм муваффақиятининг янг бир томони шундаки, унда иштирок этувчи қаҳрамонлар ролларини СССР халқ артисти С. Закариадзе, кино актёрлар М. Цулукидзе, Д. Церодзе, Н. Шария, Э. Боцвадзелар алоҳида маҳорат билан ҳамда ҳар бири ўз образини чуқур тушунган ҳолда талқин этишган. Композитор Д. Торадзе ҳам грузия миллий фольклори асосида руҳан таъсирчан, асар воқеасига мос куйлар топиб фильм қимматини оширишда ўз ҳиссасини қўшган. Мазкур картина «Грузияфильм»нинг кейинги йилларда эришган жиддий ютуғидир.

Режиссёр Ш. Манагадзе кекса кинематографчилардан, мазкур фестивалга у ўзининг «Отни ким эгарлайди» фильмини тақдим этди. Фильмда муҳаббат таронаси мадҳ этилади. Бу оддий муҳаббат эмас, балки бу она ерга, жонажон элга, меҳнат ва қаҳрамонликка бўлган меҳр-муҳаббатдир.

Ёш, талантли режиссёрлар Э. Шенгелая билан Т. Мелиавалар грузия тоғларида қўй боқувчи чўпонлар ҳаётини гавдалантирувчи ажойиб фильм яратдилар. Фильм «Оқ карвон» деб аталади. Фильм авторлари грузин чўпонларининг машаққатли, лекин шарафли меҳнатларини улуғлашга алоҳида аҳамият беришган. Фильмнинг бош қаҳрамони —ёш чўпон Гела соф юракли, аммо бироз бетайинроқ, иродаси бўш йигит. Ана шу тоғли чўпон йигит Каспий денгизи бўйларида яшовчи балиқчи қиз Марияни севиб қолади.

Лекин Гела катта хатоларга йўл қўябошлайди. Ҳаётга, кундалик турмушга, инсонлар билан муносабатга жуда енгил-елпилик билан қарайди. Геланинг бу ножўя хатти-ҳаракатидан бутун коллектив қаттиқ ранжийди. Натижада қатор турмуш тўсиқларига дуч келади у. Отасининг бевақт ўлими Геланинг кўзини очади. У ҳаётга, меҳнатга, кишиларга бўлган нотўғри муносабатини англаб етади. Фильм охирида чўпон йигит тузалиб яна ўз ҳамкасблари — чўпонлар ёнига қайтади.

«Оқ карвон» фильмини томоша қилар эканмиз энг машаққатли, шу билан бир қаторда романтикага бой бўлган чўпонлар касбига ҳурмат, иштиёқимиз янада ортади. Бу фильмда дўстлик темаси чўпон йигит билан балиқчи қиз севгиси орқали улуғланади. Демак бу фильмни дўстлик, меҳнат, инсонийликни мадҳ этувчи лирик қисса десак янглишмаймиз.

Шу кунларда Тошкент экранларида Закавказье республикалари ишлаб чиқарган кинофильмлар қаторида намойиш қилинаётган бизнинг «Грузияфильм» маҳсулоти бўлган мазкур кинофильмлар шубҳасиз қардош республикалар маданиятининг равнақи учун катта аҳамиятга эга. Ўйлаймизки, бундай фестивалларнинг тез-тез бўлиб турса, маданиятимиз учун ҳам, катта фойда келтирилган бўлади.

**Г. БАРАТАШВИЛИ,**
**«Грузияфильм» студиясининг ходими, кинотанқидчи.**

**Суратда: «Палиастоми» фильмидан кадр.**

ФУТБОЛ

## СССР КУБОГИ УЧУН

Фахрий СССР кубоги учун курашаётган командалар навбатдаги учрашувларни ўтказдилар.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Ростов-Донда «Ростсельмаш» командаси билан учрашди. Пахтакорчиларнинг омади келмади. Улар 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйдилар ва навбатдаги учрашувларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

РСФСР 5-зонасида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари «Политотдел» командасини 1:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратганларидан сўнг ўз зоналарида ғолиб чиқдилар ва навбатдаги учрашувни «А» класси II группасида қатнашаётган Запорожьенинг «Металлург» командаси билан ўтказдилар. 2:1 ҳисобида галаба қозонган фарғоналик футболчилар кубок учун курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

## ТУҒИЛМАЙ ҚОЛГАН УКА

Яқинда француз матбуоти табиатнинг ҳайратомуз «ҳазили» ҳақида хабар қилди. Парижда яшовчи ўн етти ёшлик Жан-Жак Лоран деган йигитчанинг кўкрак бўшлиғидан унинг 1.800 грамм келадиган эгизак-укаси олинди.

Жан-Жак ўз укасини юраги остида ўниг ўпкаси томонда ўн етти йил кўтариб юрган, лекин ҳечнарсани сезмаган. Спорт билан қизиқиб кетган йигитча тренировкадан қайтиб келганда қаттиқ оғриқни сезган кун бу воқеа маълум бўлиб қолди.

— Аввалига мен оғриқни спорт билан шуғулланишим туфайли, деб ўйладим, — ҳикоя қилади Лоран. — Лекин оғриқ тўхтамади. Тез ёрдам машинаси Жан-Жакни госпиталга олиб келди. У ерда оғриқнинг сабабчиси укаси эканлиги аниқланди. Укасини Жан-Жак шу йиллар давомида кўтариб юраверган.

Эгизакни олиб ташлаш юзасидан қилинган операция бир соат-у 50 минут давом этди. Ҳозир Жан-Жак Лораннинг аҳволи қониқарли.

(«НЕДЕЛЯ»дан).

## КУБАДА «БОЛАЛАР ҲАФТАСИ»

ГАВАНА. Озодлик оролида «Болалар ҳафтаси» ўтказилди. Мамлакатнинг ҳамма қисмида тинчлик ва бутун планетадаги миллионларча болалар учун бахт-саодат шиорлари остида, халқлар ўртасида дўстлик шиорлари остида болаларнинг байрамлари уюштирилди. Кубанинг ўн мингларча ёш гражданлари экскурсияларда қатнашдилар, болалар учун тайёрланган кўпгина кинофильмларни ва театр томошаларини кўрдилар, болалар боғчалари ва мактабларда кўнгил очдилар.

# ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

## ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

1964 йил 26 майдан 30 майгача Москвада Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг иқтисодий масалалар бўйича Доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Кенгаш аъзолари бўлган мамлакатлар — Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия делегациялари иштирок этдилар.

Комиссия ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалик планларини координациялаш билан боғлиқ бўлган бир қанча методологик масалаларни муҳокама қилди.

Мажлис қардошларча бирлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

## ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА

### ПАРТИЯ ЎЗ СЪЕЗДИ АРАФАСИДА

**ВАРШАВА.** Польша Бирлашган ишчи партияси IV съездининг очилишига 2 ҳафта вақт қолди. Съезд арафасида мамлакатнинг ҳамма қисмида воеводлик партия конференциялари ўтказилмоқда. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг 1966—1970 йилларда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги тезислари конференция делегатларининг диққат марказида турибди.

Жешувский воеводлиги партия конференциясида таъкидлаб ўтилганидек, Польшада капиталистлар ҳукмронлик қилган даврда бу воеводликдаги деҳқонлар қашшоқ ҳолда яшар эди, ҳар тўрт кишининг бири бир бурда нон топиш иложини қилмоқ учун чет эл га кўчиб кетар эди. Халқ ҳокимияти йилларида бу воеводликда 1.200 йирик корхона қурилди.

Лодзь партия конференциясининг делегатлари Лодзь шаҳри ке. йинги йилларда замонавий саноат марказига айланганлиги ва унда неча ўнлаб янги уй-жой кварталлари барпо қилинганлиги ҳақида ифтихор билан гапирдилар.

### ҚАҲРАМОНГА ҲАЙКАЛ

СОФИЯ. Болгариянинг шонли фарзанди генерал-лейтенант Владимир Заимов болгар фашистлари томонидан отилган кунга 22 йил тўлиши муносабати билан Плевенда қаҳрамон хотирасига ўрнатилган ҳайкал тантанали вазиятда очилди.

Совет ва болгар халқларининг фашизмга қарши биргаликда олиб борган кураши даврида мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун марҳум Владимир Заимов Совет мамлакатининг Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди.

Болгар халқи Владимир Заимов хотирасини ҳурматлаб эсга олмоқда. Шаҳар кўчалари, саноат корхоналари, мактаб ва клублар унинг номига қўйилди.

## ГДР ДА РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

*БЕРЛИН. Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикасида Германия Бирлашган социалистик партиясининг район партия конференциялари ўтказилмоқда. Бу конференциялар Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездининг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги иш тажрибаларини умумлаштиришга ва республиканинг 15 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага бағишланди. Конференцияларда саноат ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш, маҳсулотнинг сифатини ошириш учун кураш масалаларига катта эътибор берилмоқда.*

## КИПР ПАРЛАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**НИКОЗИЯ, 1 июнь. (ТАСС). Кипр вакиллар палатаси қонун лойиҳаси қабул қилди. Бу қонун лойиҳаси республика миллий гвардиясига 25.000 кишини жалб этиш учун ҳукуматга ваколат беради.**

## «ДРАПО РУЖ» ГАЗЕТАСИНИНГ БАЙРАМИ

БРЮССЕЛЬ, 1 июнь. (ТАСС). Брюсселга яқин жойда Бельгия Коммунистик партияси органи — «Драпо руж» газетасининг байрами катта муваффақият билан ўтди.

Яшил паркда катталар учун ташкил этилган выставкалар ва китоб павильонлари, ёшлар учун музикали ансамблар, болалар учун аттракцион ўйинлар «Драпо руж» газетаси байрамини янада қизиқарли қилди.

Газета байрамида Бельгия Коммунистик партиясининг раҳбарлари, қўшни мамлакатлар — Голландия ва Франция Коммунистик партияларининг газеталарининг вакиллари, шунингдек Чехословакияда чиқадиган «Руде право» ва Италияда чиқадиган «Унита» газеталарининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

### БИЛДИРИШ

**5 июнь, жума куни кеч соат 6 да Тошкент шаҳар ишчи муҳбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бўлади.**

**Редактор А. ИСМОИЛОВ.**

## Телетайп лентасидан

▲ Коломбода (Цейлон) совет китоблари выставкаси очилди. Выставкада К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари муҳим ўрин эгаллаган. Выставкага Н. С. Хрушчевнинг кўпгина мақолалари ва нутқлари қўйилган. Рус ва совет ёзувчиларининг сингал, тамил ва инглиз тилларига таржима қилинган асарларига кенг ўрин берилган.

▲ Сан-Сальвадорда Куба халқи билан бирдамлик юзасидан кўп ишлик митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари АҚШнинг Кубага нисбатан агрессив ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирдилар ва Сальвадор халқининг Озодлик ороли билан бирдам эканлигини изҳор қилдилар.

▲ Австралиядаги энг йирик Сидней портининг докерлари ишни тўхтатиб қўйдилар. Улар портда турган Жанубий Африка республикаси кемасининг юкларини бўшатиш юзасидан маъмурият-нинг талабларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Портчилар Жанубий Африка республикасининг ирқчи ҳукумати ўтказаётган апартеид сиёсатига қарши норозилик билдириб, кема юкини бўшатишдан бош тортдилар.

▲ Монтевидеода Латин Америкаси журналистларининг ахборот ва ҳамкорлик комиссиясининг мажлиси бўлаётир. Бу комиссия Парагвайдаги сиёсий ва касаба союз ташкилотларининг аъзоларини таъқиб қилишни тўхтатиш ва сиёсий маҳбусларни дарҳол озод қилиш талабини илгари сурди. Комиссия Парагвай золими Стреснернинг режими АҚШнинг молия ва ҳарбий ёрдами билангина сақланиб турганлигини нўрсатиб ўтди.

▲ Дамашқда эълон қилинган Сурия Араб Республикаси президентлик кенгашининг декретида бундай дейилади: бугундан бошлаб республика президенти «президент кенгашининг раиси» деб аталади. Бундан ташқари «раис ўринбосари» ва «президент кенгашининг аъзолари» деган лавозимлар ҳам жорий этилади. (ТАСС).

Польша Бирлашган ишчилар партиясининг «Польша давлати минг йиллигини мингта мактаб қуриш билан нишонлаймиз» деган шиори муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Республика меҳнаткашлари тўпланган жуда катта маблағ ва халқ давлати ажратган пул ҳисобига ҳозиринг ўзида 770 та янги мактаб қурилди. Бу мактабларни мамлакатда Польша давлатининг минг йиллиги ёдгорликлари деб атамоқдалар. Суратда: Рибникидаги янги мактаб.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

## МЕТАЛЛУРГЛАР САРОЙИ

*Яқинда қуриб битказилган бу бино — янги Маданият саройи узоқ-узоқлардан ҳам кўзингизга чўрдек ташланиб туради. Унинг кўркам бўй-бастини тўйиб томоша қилмай ёнидан ўтиб кетолмайсиз.*

*Гулдор плиткалар билан ишланган бинонинг жозибали олд кўриниши дарҳол сизни ўзига мафтун этади. Ичкарига кирасиз: кенг, ёруг ва озода фойе. Ўнг ва чап томондан айланиб ҳовлига чиқишингиз мумкин. Ўртадаги ҳовузда фонтан. Зилол сувлари сизга роҳат бахш этади. Атрофига қўйилган скамейкаларда ўтириб, бир нафас ҳордиқ чиқарасиз. Ҳоҳласангиз ўқиш зали ёки бильярдхонага кириб вақтингизни хуш ўтказишингиз мумкин.*

*Маданият саройига энди келган бўлсангиз, унинг ҳамма хоналарига киришни, ҳатто бурчакларини ҳам кўришни унутманг. Узбекистон меъморлик санъатининг сўнгги ютуқлари асосида архитектор Петросов лойиҳаси бўйича яратилган бу бинода тамошабинларга барча қулайликлар яратиб беришга ҳаракат қилинган. Ҳар бир хона пардозида бошқа-бошқа хил рангдан фойдаланилган.*

*Иккинчи қаватга чиқасиз. Сизни турли-туман гуллар қарши олади. Панжара деворлари тувакларда ўстирилган гуллар залнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборган. Чапга бурилиб тўғри юринг, балконга чиқасиз. Бу жойдан залнинг умумий кўриниши кўзга яққол ташланиб туради. Маданият саройининг катта зали 850 томошабинга мўлжалланган. Духобали ўриндиқларда ўтириб, мириқиб концерт тингласангиз ёки спектакль томоша қилишингиз мумкин.*

*Зал саҳнаси кенг, механизациялаштирилган. Унда ҳар қандай декорациялар ўрнатса бўлади. Бу нарса шаҳарга гастролга келган бошқа театрларнинг ҳам ўз томошаларини кўрсатишлари учун катта қулайлик туғдириб беради.*

*Саройда 83 та хона бор. Ҳаваскорлар репетицияси учун алоҳида жой ажратилган. Хор, рақс, драма тўгаракларининг аъзолари ўзлари учун ажратилган хоналарда бемалол машғулотларини ошираберадилар.*

*Шундай ажойиб Маданият саройи қаерда қурилибди, деб сўрарсиз. Бундай Маданият саройи яқинда Олмалиқ шаҳрининг марказий Ленин кўчасида қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Алмалыксвинецстрой» трестига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорлари бунёд этган ана шу маданият ўчоғи олмалиқликларга юбилей совғаси бўлди.*

*Маданият саройи чиндан ҳам маданий ҳордиқ чиқариш ўчоғига айланиб қолади. Унинг ёш-атрофидаги яланглиқда кўркам боғ барпо этишга қарор қилинди. В. И. Ленин номли Олтинтопган кўрғошин-руҳ комбинатининг буюртмаси бўйича қурилган ана шу маданият саройига «Металлург» номи берилди.*

*Ш. УМУРЗОҚОВ,*
*Т. МИРҲОДИЕВ.*



## Реклама ва Эълонлар

## ТЕЛЕВИЗОР

**3 ИЮНДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00—**Коммунист** (Ф. Эрдинч ҳикояси асосида инсценировка, мактаб ўқувчилари учун). 18.30—**Телевизион янгиликлар**, 18.50 —**Шаҳримиз озода ва гўзал бўлсин**, 19.05—**Она ер куйчиси** (телевизион фильм). 19.25—**Ем-хашакни икки йилга мўлжаллаб жамғарайлик** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 19.40—**Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида). 20.20 — **Ёшлар учун.**

Қозоқ тилида: 20.35—**Ота насбини эгаллаган ўғил** (телевизион фильм).

20.55—**Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.00— **Телевизион янгиликлар**, 21.20—**Экран янгиликлари**, 21.55—**Реклама ва Эълонлар**, 22.00—**Елланган аёл** («Наймичка») номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.20—С. Прокофьев. **Петя ва бўри** (фильм-балет, болалар учун). 18.45— **Қорақумда қидирув ишлари** (телевизион очерк) 19.25 — **Қизлик йиллари** (бадиий фильм).

Узбек тилида: 21.00—Телевизион фильм. 21.20—Тасвирий санъат.

## ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VI да **Травиата.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)—3/VI да **Тошболта ошиқ**, 4/VI да **Нурхон.**

## КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА:**

**Эрталар кеча, бугун ва...**—«ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача),

**Душанба оғир кун**—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи), «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан),

**Тандир ноғоралари** — НАВОИ номли (кундуз ва кечқуруи).

**Улим чангалида** — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

**Жардан сакраш** — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

**Турналар учади** (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), **Гоар Гаспарян куйлайди** (эрталаб 10, кундуз 2, кеч 6 ва 9.45 минутда)—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

**ЁЗГИ БИНОДА**

(кеч соат 9 ва 10 яримда)

**Велосипед ўргатувчилар**— «ОКТЯБРЬ».

**Каин XVIII**—«ВАТАН».

**Душанба оғир кун**—НАВОИ номли.

**Эркаклар кеча, бугун ва...**—«ФЕСТИВАЛЬ».

**Уруш ва тинчлик**—КАФАНОВ номли.

**Гангстерлар ва филантроплар**—ТЕЛЬМАН номли.

**Соат ярим кечада тўхтаб қолди**—1 МАЙ номли.

**Шахсан маълум**—«ШАРҚ».

**Жунгли**—«УДАРНИК».

Узбекистон ССР Журналистлар Союзи правлениеси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси коллективи СССР Журналистлар Союзининг аъзоси, Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси «Машъал» газетасининг редактори

Маҳамаджон **АБУБАКИРОВ**нинг бевақт вафот этганлигини билдирадилар ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.


*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.*

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Навоий Востока» кўчаси, 28уй.

**РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34803. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

*«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.*





Р. 06700. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1767.